

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 июль куни Оқсаройда Жанубий Африка Республикасининг энергетика ва кимё бўйича "Сасол" компаниялар гуруҳи президенти Дэвид Констеблни қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Учрашувда Қашқадарё вилоятида табиий газдан режалаштирилган номинал ишлаб чиқариш қуввати кунига 38 минг баррел (йилига 1,5 миллион тонна)ни ташкил этувчи "GTL" – синтетик суюқ ёнилги ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилишининг бориши муҳокама қилинди. Лойиҳа "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси, "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси иштирокида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистонда ушбу лойиҳа ижроси доирасида "Сасол" компанияси билан ҳамкорлик юксак қадрлигини таъкидлади. Евроосиёда ягона бўлган мазкур заводда мамлакатимизнинг бой газ ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи энг замонавий инновацион технологиялар жорий этилади.

Президент Ислам Каримов "GTL" лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишни қўллаб-қувватлашни таъкидлаб, мазкур лойиҳанинг Ўзбекистон энергетика секторини ривожлантириш ва мамлакатимизни энг илғор технологияларни қўллаш борасидаги салоҳиятини намойиш қилишдаги аҳамиятини алоҳида қайд этди.

"Сасол" компанияси раҳбари самимий қабул ва қўшма лойиҳани қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди. Дэвид Констебл "Сасол" компанияси портфелидаги энг асосий лойиҳалардан бўлган ушбу лойиҳани самарали амалга ошириш учун компания барча сарф-ҳаракатларини ишга солишни таъкидлади.

"Сасол" компанияси президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида мазкур лойиҳа брендининг расмий тақдирот маросими бўлиб ўтди ва тадбирда қўшма корхона томонидан амалга оширилаётган лойиҳага "Oltin yo'l GTL" номи берилди. Шунингдек, завод майдонида ташқи инфраструктура объектлари қурилиши бошланишига бағишланган маросим ҳам бўлиб ўтди.

«OLTIN YO'L GTL» ТАҚДИМОТИ

"Ўзэкспомарказ" да 23 июль куни мамлакатимизда синтетик суюқ ёнилги ишлаб чиқариладиган "Ўзбекистон GTL" қўшма корхонаси – "Oltin yo'l GTL" брендининг расмий тақдиротига бағишланган маросим бўлди.

Анжуманда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси, "Сасол" компанияси (Жанубий Африка Республикаси) вакиллари, хорижий мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодий диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Нефть-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва хомашё экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, айни пайтда уларни қайта ишлашдан олинладиган маҳсулотлар улусини ва турини кўлайитиришга устувор аҳамият берилмоқда. Углеводород захираларини чуқур



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия самарасида мамлакатимизда илғор технологияларга асосланган нефть ва газ

кимёси sanoati шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда. "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси Жанубий Африка

Республикасининг "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуасида ишлаб чиқариладиган метан

газидан синтетик суюқ ёнилги (GTL) ишлаб чиқариладиган завод қуриш бўйича йирик қўшма лойиҳани амалга оширмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

СУРХОНДАРЁ ВА ФАРФОНА ВИЛОЯТЛАРИДА ХИТОЙЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН ТУЗИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистонда яратилган қулай сармоявий муҳит, хорижий инвесторлар учун тақдим этилган кўплаб имтиёз ва энгилликлар чет эллик ишбилермонларнинг мамлакатимизда бизнес юритишга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Дунёнинг кўплаб давлатларидан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган ҳолда, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда.

Сурхондарё вилоятида хорижий инвестицияси иштирокидаги 44 корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида қўшма корхоналар томонидан 50,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармасидан маълум қилишларича, мазкур

қўшма корхоналар асосан sanoat, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо каби соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Греция, Буюк Британия, Хиндистон сингари мамлакатлар инвестицияси иштирокидаги корхоналарда маҳаллий хомашёдан рақобат-



бардош қурилиш материаллари, калава ип, металл идишлар, фарма-

цевтика воситалари каби кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир, транспорт, савдо, алоқа, меҳмонхона хизматлари кўрсатилмоқда. Шифобахш қизилмия ўсимлиги, пилла хомашёси, мева-сабзавот, нефть маҳсулотлари қайта ишланаётир.

Бир пайтлар аграр ҳудуд саналган Сурхондарёда бугун чет эл инвестицияларини жалб этиш, sanoatни изчил ривожлантириш, хомашёни шу ернинг ўзига қайта ишлаш учун кенг имкониятлар яратилган. 2011 йилда вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан 166,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

(Давоми 3-саҳифада)

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида 2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига оид дастурнинг бажарилиши ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган йилги таълим бўлиб ўтди. Унда дастурни амалга ошириш учун масъул вазирлик, идора, ташкилот ва жамоат бирлашмалари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга шаҳримиздаги кўп сонли ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мазкур вазирлик тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

Ўртачирчиқ туманида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2012 йилда иқтисодий ислох қилиш жараёнини чуқурлаштириш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга доир кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш, иқтисодийнинг барча жабҳаларини мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, 2012 йилда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаш учун мустақкам асос яратиш имконини берди.

I. АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2012 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,1 фоизга ошди. Иқтисодий ўсиш мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини янада мустақкамлаш орқали таъминланди. Бунда инфляция даражаси паст кўрсаткич – 3,4 фоизни, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизни ва мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий салдоси 1,2 миллиард АҚШ

долларидан ортиқни ташкил қилди.

Саноатни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 7 фоизга оширишни таъминлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник янгилаш жараёнларини жадаллаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш

қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 7,1 фоизга кўлайитириш имконини берди.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг давом этиши истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 7,7 фоиз, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни 25,7 фоиз, чакана савдо айланмасини 12,5 фоиз, хизматлар кўрсатишни 14 фоиз, жумладан, пуллик хизматларни 16,2 фоизга оширишни таъминлади.

Хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантириш, жумладан, хорижий инвесторларга қўшимча равишда тақдим этилган имтиёз ва преференциялар инвестициялар ҳажмини 7,6 фоиз ва қурилиш-пудрат ишларини 8,6 фоизга кўлайитириш имконини берди.

2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(2011 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари ҳажми	107,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	107,7
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	107,1
Қурилиш ишлари	108,6
Чакана савдо айланмаси	112,5
Пуллик хизматлар	116,2

II. ИҚТИСОДИЙНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ, ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини сўзсиз бажа-

ришни ташкил этиш мақсадида ҳисобот даврида, жумладан, ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини қисқарттириш, маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтиришда корхоналарни рағбатлантириш ҳисобидан иқтисодий ра-


қобатбардошлигини оширишга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси sanoatини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурий амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқларда таркибий ўзгаришлар жараёнлари янада чуқурлаштирилди. Ҳисобот даврида энгил sanoat (ўсиш суръатлари 2011 йилнинг шу даврига қараганда 112,9 фоизни ташкил қилди), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш sanoati (108,3 фоиз), озиқ-овқат sanoati (108 фоиз), қурилиш материаллари sanoati (106,5 фоиз), кимё ва нефть-кимё sanoati (105,2 фоиз) каби тармоқларда жадал ривожланиш кузатилди.

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш

борасида бажарилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи ярмида энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, автомобиль ойналари, кондиционерлар, электр дазмоллар, энергия тежайдиган лампалар, пўлат ва пўлат қувурлар, тайёр прокат, минерал ўғитлар, олтингургурт кислотаси, целлюлоза, қуруқ қурилиш аралашмалари, ламинацияланган плиталар, доривор воситалар ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўлайитириш имконини берди. Ҳисобот даврида Республика инновацион гоилар, технологиялардан фойдаланган ҳолда, қиймати 190 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада)



«OLTIN YO'L GTL» ТАҚДИМОТИ

(Боши 1-саҳифада)

Маросимда "Сасол" компанияси президенти Дэвид Констебл Ўзбекистонда иқтисодий эркинлаштириш ва янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қулай сарможий муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Нефть-газ саноатининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этаётганига ўхшас баҳо берди.

"Ўзэкспомарказ"даги тадбир иштирокчилари билан Қашқадарё вилоятида GTL заводи барпо этилиши белгиланган майдонда йилгиланган Шуртан газ-кимё мажмуаси ва "Ўзбекистон GTL" қўшма корхона раҳбарлари ва мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри телекўприк ўрнатилди.

Завод иншоотларига пойдевор қўйиш маросими бошланиши эълон қилинади. Эсдалик капсуласи иншоот пойдевори-

га жойланади.

Лойихани амалга ошираётган "Ўзбекистон GTL" қўшма корхонасининг бу жараёни лойihalаш, муҳандислик ва қурилиш ишлари, техник хизмат кўрсатиш, техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги халқаро меъёрлар ва стандартлар талабларига мос тарзда амалга ошириши белгиланган. Мазкур заводнинг ишга туширилиши табиий газни чуқур қайта ишлаш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ёнилғи сифатини яхшилаш имконини беради.

Мазкур лойиҳа мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, соҳада профессионал кадрларнинг сифат жиҳатдан янги авлоди шаклланишига хизмат қиладди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

ЎЗА

САНОАТ РИВОЖИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

БУ ЖАРАЁНДА ТАДБИРКОРЛАР УЛУШИ ҲАМ МУНОСИБ БЎЛАЁТИР

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва улуши йил сайин ошиб бораётган. Чунки мазкур соҳанинг ривожланиши йўлида барча имкониятлар яратилиб, тадбиркорлар учун турли имтиёзлар берилиб, ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳимоя қилинган.

— Бугун юртимизнинг қаери-га борманг, саноатни ривожлантиришда ёки бўлмаса жамият ҳаётига янги технологияларни жорий этишда, энг аввало, тадбиркорлар ташаббус билан чиқишмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зокиржон Шарифжонов. — Айни пайтда вилоятимизда 13 минг 971 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Бошқармаимиз жамоаси тадбиркорларнинг қизиқиш ва интижишларини ҳисобга олган ҳолда турли лойihalар асосида

қўллаб-қўллаб, анжуман ва кўрик-танловларни ташкил этмоқда. Хусусан, Президентимиз соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг аҳамияти вилоятимизда ҳам йил сайин ошиб, иштирокчилар сони ҳам кўпайиб бораётган.

Дарҳақиқат, ушбу танлов тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг янги қирраларини очиб, уларнинг ўзига хос иш тажрибаларини ўртоқлашишга, янгиликка интилишларида муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани билан ҳам қимматлидир. Жумладан, танловнинг жорий йилги

Навоий вилояти босқичида 10 нафар тадбиркор ва шунча хунарманд, 9 нафар фермер иштирок этди.

Қайд этиш ўринлики, ўтган йили вилоятда Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорларнинг ташкилоти алоқаларни ўрнатиш ва саноатга минитехнологияларни жалб этиш борасида бир қатор аҳамиятли ишлари амалга оширилган эди. Бу борада Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Республика "Ўзбеклизинг" компанияси, "Ўзбек – Хитой Савдо ўйи", Россиянинг "Восход" компанияси ва яна бир қанча қўшма корхоналар, хорижий фирмалар вакиллари иштирокида вилоят тадбиркорлари учун "Бизнес форум" ташкил этилди. Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан қиймати 780 минг

АҚШ долларига тенг 11 та шартнома, 1 та келишув битими тузилди.

2011 йилдан бошлаб Навоий шаҳрида янгидан қурилаётган иссиқхоналарда Корея технологияларининг йўлга қўйилиши ана шундай саноат-харакатлар натижасидир. Бу янги ускуналарнинг афзаллиги томчилаб сурғориш туфайли сувнинг тежаллиши, иссиқликнинг кам талаб қилиниши, экиннинг ер танламаслиги, асосийси, ҳосилдорликнинг юқори эканлигидадир. Масалан, дастлабки йили "Навоий-Корея" маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси иссиқхонасида помидор парваришланди. Унда оддий иссиқхонага нисбатан 2,5 баравар кўп ҳосил олинди, иситиш учун эса 80 фоиз газ тежаб қолинди.

Мазкур иссиқхонада помидор кўчати ерга эмас, кокос дарахти пўстлогига тўлдирилган гидророний тувакда экилади ва шу ернинг ўзида пишиб етилади. Керакли барча технология ва ускуналар Кореянинг "Myung Sung Placson LTD" томонидан етказиб берилган. Ҳозирда вилоятда ушбу қўшма корхона билан ҳамкорликни йўлга қўйишга интилаётган тадбиркорлар сони ортиб бораётган.

Хулоса қилиб айтганда, йилдан-йилга саноатни ривожланиб бораётган Навоий вилоятида ишлаб чиқаришга хорижий минитехнологияларни кенг жалб этиш ва тадбиркорларнинг меҳнатини оsonлаштирадиган, фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абдурашул САТТОРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Энергия ресурсларини тежаш, технология жараёнлар, хомашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқиллона ташкил этиш ишларини амалга ошириш ҳамда бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобидан йirik корхоналарда маҳсулот таннархини 11,1 фоизга қамайтириш ҳам саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 3892,3 миллиард сўмлик ёки 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 25,7 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ички ёнилғи двигателлари, намага чидамли, сигналли-блокировка кабеллари, 6 метр кенгликни қамраб оладиган ер текислагичлар, кристалл роданит натрий, "РПАТ 700" насоси, пайвандлаш флюси, ҳаво ҳароратини бир хилда сақлайдиган мосламаларга эга йўловчи ташкил вагонлари, DSLAM телекоммуникация ускуналари ва ADSL модемлари каби 170 дан орტიқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босиб бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 2,1 миллиард долларни ташкил қилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида экспорт улushi 24,7 фоиздан 25,3 фоизгача кўпайди.

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастурининг амалга оширилиши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 7,7 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 9,3 ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,4 фоизга ошди.

Пайпоқлар, чарм буюмлар, гилам ва гилам буюмлари, сирланган идишлар, гўшт, балик ва мева-сабзавот консервалари, сариёғ, кичик ёшдаги болалар учун куруқ сут аралашмалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Янги турдаги кир ювиш машиналари, микроўликни пеллар, газ плиталари ва чанготчиқлар, 32 номдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг биринчи ярмида LAN-кабеллар, энергия тежайдиган лампалар, юк автомобиллари, автомобиллар учун жиҳозлар, болалар велосипедлари ва ўйинчоқлари, болалар спорт кийимлари, эркаклар костюмлари, устки кийимлар, сопол плиталар, сирка ацеталдегиди, унифлекс, азот-фосфор-калийли ўғитлар, ўралган сетка ва бошқа янги турдаги товарлар экспорт қилинди.

2012 йилнинг биринчи ярмида биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларида умумий оборот ҳажми 8,8 фоизга ўсди. Биржа савдоларида ёнидан ҳосил бўлган мазут, техник олтингургурт, металл рух, минерал ўғитлар, полиэтилен сотиш ҳажми анча кўпайди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар ҳажми умумий биржа айланмаси ҳажмининг 53,5 фоизини ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредит ажратиш ҳажмини кўпайтириш, яқна тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва рағбатларни тақдим этиш аэвазига ушбу соҳани ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўрилган чора-тадбирлар хизматлар кўрсатиш ҳажмини 14 фоизга, жумладан, пуллик хизматлар кўрсатишнинг 16,2 фоизга ошириш имконини берди. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда хизматлар улushi 2011 йилнинг биринчи ярмидаги

48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот даврида алоҳи ва ахборотлаштириш (2011 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 26,9 фоиз), сайёҳлик (22,8 фоиз), маийши (22,6 фоиз) ва молия хизматлари (16 фоиз) ривожланди.

2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаолигини кучайтириш доирасида банк тизимининг жами капитали 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоизга, уларнинг жами активлари 30,3 фоизга, миқозларнинг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошди.

III. ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎВВАТЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 9979,6 миллиард сўмни ташкил қилди ва солиштирма нархларда 7,6 фоизга ошди. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўрилмалар ҳажми 2011 йилнинг шу даврига қараганда 1,3 баробар, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари ҳисобидан 1,5 баробар, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш жамғармаси кредитлари ҳисобидан 5,2 баробар, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,3 баробар ўсди.

Тижорат банклари ресурс базасининг кўпайиши иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш ҳажмини 1,3 баробар ошириш имконини берди. Бунда мuddатли бир йилдан орტიқ узоқ мuddатли кредит қўйилмалари ҳажми ҳам 30,5 фоизга ошди. Ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун қиймати 2,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва бу кўрсаткич 1,3 баробар ўсди.

Юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестициялар сарфлаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган 4434-фармони билан хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш орқали авваламбор, республика минтақаларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Умуман, шу йилнинг ўтган даври мобайнида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди ва уларнинг 80 фоиздан ортигини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даврида 2012 йилги инвестиция дастурига киритилган 46 лойиҳа, хусусан, "Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича янги комплексни ташкил этиш (II-босқич – йиғиш корхонаси)", "Қалмақ қонини кенгайтириш ва реконструкция қилиш", "Хизмат кўрсатилмайдиган кальцийли батареялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Радиотеллар, сунъий ҳаво ҳосил қилиш, шамоллатиш ва иситиш тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш", "Техноло-

гик жиҳозлар, штамплар ва қўйма шакллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Автомобиль бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш", "Осборн Текстиль" хорижий корхонасида йиғирув ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш", "Бухоро энержо текстиль" маъсулияти чекланган жамиятини модернизация қилиш", "Навоий шаҳри аэропортидаги йўловчи терминалини реконструкция қилиш", "Қуйи-Мозор" 220 кВли кичик станцияни реконструкция қилиш", "220 кВ юқори вольтли линияга эга "Иштихон" 220 кВли кичик станция ҳамда 110 кВ юқори вольтли линияга эга 110 кВли "Кон-руда" кичик станциясини қуриш" ва бошқа лойihalарни амалга ошириш ниҳоясига етказилди.

Умуман, республика бўйича 2012 йилнинг биринчи ярмида енгил, озиқ-овқат, кимё саноати, ёгончи қайта ишлаш саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати, машинасозлик саноатида ва бошқа соҳаларда жами 530 дан орტიқ ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг биринчи ярми яқунлари бўйича "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати 25,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "ЎзИраеКейбл" қўшма корхонаси негизда аккумулятор ўтказгичларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш ишлари яқунланди.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Хусусан, ушбу соҳа субъектларига лицензия асосида 546 та қишлоқ хўжалик техникаси, шу жумладан, "TL-100", "Anon-630C", "TS-135" маркали тракторлар, транспорт ва шудорлаш тракторлари, "Доминатор-130" галла ўриш комбайнлари етказиб берилди.

Суғориладиган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш дастури доирасида умумий узунлиги 7,4 минг километрлик хўжалиқларро ва хўжалиқлар ичидаги коллектор-дренаж тармоғи, шунингдек, 8 мелiorация насос станцияси, 391 суғоритиш қудуқлари тикланди, узунлиги 434,5 километрлик коллекторлар, 81 вертикал дренаж қудуқлари ва 8,39 километрлик ёпиқ коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта тиклаш ишлари яқунланди.

7,6 минг гектарлик майдонда янги боғлар, шу жумладан, 2,6 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 3,8 минг гектар майдонда тоқорлар барпо этилди, 8,5 минг гектар майдонда боғлар ва 6 минг гектар майдонда тоқорлар қайта тикланди. Шахсий томорқа хўжалиқларининг 266,8 гектарлик майдонда 9456 иссиқхона ташкил қилинди. Ҳисобот даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 6,3 минг тонна сийғимга эга 22 янги совутиш камералари ишга туширилди ҳамда 2 минг тонна сийғимга эга 3 совутиш камералари қайта тикланди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 1917,2 минг тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,5 фоиз), 983,8 минг тонна картошка (112,5 фоиз), 120,9 минг тонна полза экинлари (112,2 фоиз), 642,8 минг тонна мева (110,4 фоиз), 17,6 минг тонна узум (112,5 фоиз) етиштирилди. Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳажми ҳам 11,7 фоиз, шу жумладан, сабзавотларни қайта ишлаш – 14,4 фоизга, меваларни қайта ишлаш 7,7 фоизга ортди.

Ҳисобот даврида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 11,8 минг бош қорамол парвариш қилиш бўйича 406 чорвачилик, 2 миллион товуқ парвариш қилиш бўйича 336 паррандачилик, 333 асаларчилик, 359 бақиқчилик хўжалиқлари, улардан 342 таси сунъий ҳавзаларда ташкил этилди. Тижорат банклари шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига чорва моллари сотиб олиш учун қиймати 38,6 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди.

Натижада қорамоллар умумий сони 6,3 фоизга кўпайди ҳамда 9783,3 минг бошга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан гўшт ва сут етиштириш ҳажми 7 фоиз ортди, 1936,2 миллион дона туҳум (16,8 фоиз кўп) етиштирилди.

IV. ИНФРАТУЗИЛМАНИ, ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ҚУРИЛИШНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шу йилнинг биринчи ярмида 2012 йилнинг Инвестиция дастурига киритилган йўл қурилиши объекти бўйича 153,3 километр умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди, шундан 126,3 километр автомобиль йўлига асфальт-бетон қопламасини ётқизиш ва 27 километрга икки полосали цементбетон йўл қуриш ишлари амалга оширилди.

"2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиш ривожлантириш жадваллаштириш тўғрисида"ги дастури амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 115 километрлик темир йўл қайта қурилди, 225 та юк ва 10 та йўловчи ташувчи вагон тайёрланди, битта йўловчи локомотиви харид қилинди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан иккита янги Боинг-767-300ER самолётларини эксплуатация қилиш бошланди. Навоий шаҳри аэропортида йўловчилар терминалини реконструкция қилиш доирасида умумқурилиш ишлари ва ички муҳандислик тармоқларини ётқизиш ишлари яқунланди. "Ангрен" логистика маркази" ЕАЖнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича амалга оширилган чоралар "Қалмақ" домини орқали юк ташки ҳажмини 1,3 баробар ошириш имконини берди.

Натижада шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига қараганда темир йўл транспортда юк ва йўловчи ташки айланмаси тегишли равишда 4,1 ва 15,3 фоизга ошди. Йўловчиларни ҳаво транспортида ташки ҳажми 17,6 фоизга, бир рейсда учадиган ўртача йўловчиларнинг сони 13 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш ишлари давом эттирилди, бунинг оқибатида умуман республика бўйлаб 980,9 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди, шундан 865 километри қишлоқ жойларига тўри келади. 143 қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида 158,3 километрлик сув таъминоти тизимлари тикланди.

Турар-жой қурилиши учун хомашё базасини кенгайтириш мақсадида маҳаллий хомашё ва компонентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 101 янги корхона ишга туширилди. Жумладан, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида 20 минг куб метр замонавий пенобетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятида 72 минг квадрат метр ламинат ва МДФ ишлаб чиқариш, Фарғона вилоятида 70 минг тон-

на цемент ишлаб чиқариш, 47,9 миллион дона гишт ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди. Бундан ташқари, пишқик гишт ишлаб чиқариш бўйича 12 корхона модернизация қилинди.

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА ҚУЛАЙ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши шу йилнинг биринчи ярмида 13 мингта янги кичик бизнес субъектларининг (фермер хўжалиқларини ҳисобга олмаганда) яратилишига қўмақлашди.

Айни вақтда кичик бизнес субъектларининг аксарияти (64,6 фоизи) ишлаб чиқариш тармоқларида ташкил этилди. Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қўмақлаш мақсадида ҳисобот даврида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 6,3 миллиард сўмлик 35 давлат активлари сотилди, 14 мингта яқин фойдаланилмаётган давлат мулки объекти ярағида берилди. Шу билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп ҳажмда кредит ва микрокредитлар ажратилди.

Жорий йилнинг бошидан кичик бизнес субъектларида амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 122,3 миллиард сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари умумий ҳажмининг 92 фоизини ташкил этди. Давлат харидлари тизимида ўз маҳсулот ва хизматлари билан 132,2 мингдан орტიқ кичик бизнес субъектлари иштирок этди.

Кичик бизнес корхоналари маҳсулотлари экспортни кенгайтиришни рағбатлантириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 1087,5 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,1 фоиз кўп товар ва хизматлар экспорт қилинди.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес улушининг ялпи ички маҳсулотда – 42,6 фоизгача (2011 йилнинг биринчи ярмидаги 42,2 фоиз ўрнига), саноатда – 21,2 фоизгача (18,6 фоиз), инвестициялар бўйича – 35,4 фоизгача (30,3 фоиз), қурилишда – 75,1 фоизгача (70 фоиз), экспортда – 15,2 фоизгача (13,5 фоиз), бандлик соҳасида – 74,7 фоизгача (74,1 фоиз) ошишида ўз ифодасини топди.

VI. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ИЗЧИЛ ОШИРИШ

Иш ўринлари яратиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида республика бўйича 510,5 минг янги иш ўринлари яратилди. Шундан 345 мингдан ортиқ (67,6 фоиз) қишлоқ жойларда, жумладан, 62,7 мингтаси ортиқча ишчи куши мавжуд бўлган 28 туманда ташкил этилди.

2011/2012 ўқув йилида коллежларни тамомадан битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида амалга

оширилган комплекс чора-тадбирлар доирасида 501,5 минг битирувчи "колледж-корхона" тизими бўйича 92,9 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди, 97,3 минг битирувчи билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва кейинчалик аниқ корхона ва ташкилотларда ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида оилавий тадбиркорликни иқтисодиётнинг турли соҳаларида рағбатлантириш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва оилалар ижтимоий-маийши шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Оилавий қорхонанинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайдиган Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг "Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан 2012-2013 йилларда шахарлар, туман марказлари ва шахар посёлкаларида кўп қонандли уйлари қуриш ва реконструкция қилиш дастури тасдиқланди.

Биринчи ярим йиллик давомида ёш оилаларга умумий қиймати 14 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратилди. Умуман "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун шу йилнинг ўтган даврида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Аҳоли даромадларининг ўсишига яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларини пасайтириш, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасида нул разрядни бекор қилишни ҳамда республиканинг барча ташкилотларида биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлашини белгилашни рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди. Натижада ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 19,4 фоиз ўсди ва бу аҳоли умумий даромадларининг I ярим йилликда 26,1 фоиз ўсишини таъминлаш имконини берди.

САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

СУРХОНДАРЁ ВА ФАРҒОНА ВИЛОЯТЛАРИДА ХИТОЙЛИК ҲАМКОРЛАР БИЛАН ТУЗИЛГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

(Боши 1-саҳифада)
 "Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон" темир йўлининг ишга туширилиши натижасида сармоявий салоҳияти янада юксалган Сурхондарё қўшма корхоналари қатори хитойлик тадбиркорларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунга мазкур мамлакат сармоядорлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар яққол мисол бўлади.

Термиз шаҳридаги "Amu-Qashqar-Surhon" ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Корхонани барпо этиш учун томонларнинг саъй-ҳаракати билан пилла хомашёси ва мевани қуритиш технологияси ўрнатилди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда 940 тонна пилла хомашёси қуритилди. Етмишдан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада мева қуритишнинг ўзлаштирилиши натижасида ана қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

Хитойлик ишбилармонлар пилла қуритишдан ташқари, ундан ҳақон бозорида харидориги калава ип тайёрлашга ҳам қизиқиш билан қарамоқда. Мисол учун,

ўтган йили вилоят марказида фойдаланишга топширилган "Inter Silk Pro" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида пилладан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхонага қиймати 1 миллион 170 минг АҚШ долларига тенг илғор технология ўрнатилди. Корхона бир йилда 660 тоннадан ортиқ пилла хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга.

— Жорий йилда вилоят пиллакорлари етиштирган ҳосилнинг 532 тоннасини қабул қилиб олдик, — дейди қўшма корхона директори Шавкат Тоиров. — Айни кунларда хомашё қайта ишланган, ҳақон талабларига жавоб берадиган калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда олтмишдан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонамиз тўла қувват билан ишлаш бошлаб, 120 дан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланади. Йилга 2 миллион АҚШ доллари қийматидаги калава ип ишлаб чиқариши, унинг бир қисми экспорт қилинади.

Фарғона вилоятида ҳам хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хозир вилоятда Хитой сармояси асосида 7 хорижий корхона, 6 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Фарғона шаҳридаги "Lian-Vun", "Fardo-Fen", Фарғона туманидаги "Хуан-Хай", "Модерна керамик индустриал", Данғара туманидаги "Ника угаргаг" каби корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қурилиш, тўқимачилик маҳсулотлари ўз харидорларини топиб улгурган. Қўқон шаҳридаги пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Imano group" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатаётган ана шундай корхоналардан биридир.

Хитойнинг "Shandon Hnimin chenda imp and exp Co Ltd" компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилган, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури ҳам, ҳажми ҳам кўпайди. Бунга инвесторлар томонидан киритилган сармоя эвазига ишлаб чиқаришнинг техника ва технология жиҳатдан модернизация қилиши, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш каби кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш на-

тижасида эришилди. Бундан икки йил аввал корхонада беш-олти турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугун уларнинг тури зўдан ошади. Шунингдек, ички ва ташқи бозорни ўрганган ҳолда мавсумий пойабзаллар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Ўтган йилда корхонага 420 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилиб, чарм ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ташкил қилиш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради. Бозор эhtiёжи ўрганилган ҳолда, ишлаб чиқарилган бундай маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораётган. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида 2 миллиондан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги бунинг далилидир.

— Жорий йилда ишлаб чиқаришнинг техника ва технология жиҳатдан модернизация қилиши, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш мақсадида 900 минг АҚШ доллари миқдоридан сармоя жалб этилмоқда, — дейди қўшма корхона раҳбари Нодиржон Ҳамидов. — Бу-

нинг натижасида полиуретен қопламали чарм ишлаб чиқариш линияси ишга туширилади. Асосий мақсадимиз мамлакатимизда тадбиркорлик учун яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, рақобатбардош ва харидориги маҳсулотлар турини кўпайтириб, экспорт ҳажминини янада оширишдир.

Қўқон шаҳрида ўтган йили иш бошлаган "Болалар орсуси" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳам қисқа фурсат ичида бозорда ўз ўрнини топди. Корхонага 585 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарф этилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Болалар учун пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада айни пайтда 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Хитойлик сармоядорлар иштирокида амалга оширилаётган бу каби лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганининг амалдаги фидосидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, Ға А мухбирлари.



СИФАТЛИ ИШЛОВ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУГУНГИ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ПАЙКАЛЛАРДАГИ ТУПРОҚ НАМЛИГИНИ БИР МАРОМДА САҚЛАБ ТУРИШДАН ИБОРАТ. АГАР НАМЛИК ЕТАРЛИ БЎЛМАСА, ҒЎЗА ТАНАСИДАГИ ФИЗИОЛОГИК, ФОТОСИНТЕЗ ЖАРАЁНЛАРИ ИЗДАН ЧИҚАДИ.

Ҳароратнинг кўтарилиши ғўза барглари юзасида бугунаш юз беришига олиб келади. Июль ойида тупроқдан илдиз орқали сўриб олинган сувнинг қарийб 80-90 фоизи ғўзанинг барги орқали бугунаш, фақат 10-20 фоизи тупроқ орқали буғланади. Бу мураккаб жараён оқибатида намлик етишмаганлигидан ҳосил тугунчалари тўқилади.

Шу кунларда ғўза қатор ораларида ўтказилаётган ишловнинг сонига эмас, сифатига эътибор қаратилмоғи лозим. Жумладан, култивация. Уни сугориш билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб бормоқ керак. Бу тадбир сугоришлар орасида 4-5 кунга узайтиради, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини тўхтатмасдан бир мартаба сугоришни қисқартириш имконини яратади.

Иссиқ ҳарорат шароитида ўтказилган эгат олиш ишлари тезда сугоришни талаб этади. Эгат олинган, 1-2 кун ичида сугориш ўтказилиши зарур. Намликни сақлаб қолиш учун эса ишловда тупроқнинг майин бўлиши муҳим омил бўлади. Шунинг учун ҳам ғўза қатор ораларига ўз вақтида сифатли ишлов бериш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Култивация ўтказилган олдин мутахассис, механизатор ва агрономларнинг маслаҳатига таяниш ниҳоятда зарур. Ернинг нами мақбул даражага келмасдан, култивация ўтказиш асло мумкин эмас. Қатор ораларига ишлов беришда илдизларнинг эркин ўсишига эришмоқ лозим.

Ғўза танасига тупроқдаги сув ва озиқ моддаларнинг шимиллиши ўсимликлардаги барча модда алмашинув жараёнининг меърида боришини таъминлайди. Илдизлар соғлом, яхши ривожланган, шикастланмаган тақдирдагина мўл ҳосил олиниши таъминланади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ғўзани вегетация даврида керагидан ортиқча сугориш зарарли. Ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўқиб юборади ва ғўзалар бошлайди, сақланиб қолган қўсақлар эса кеч очилади.

Аслида ғўзага сув эмас, нам керак. Обихайвдан самарали фойдаланишда "шарбат" усули айни муддаодир. Бунда ғўнг ғўзага озиқ бериши билан бирга, мулча вазифани бажариб, сувнинг буғланишини камайтиради, намликни сақлайди.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг тажрибаларида ғўза қатор ораларининг ишлови кечиктириб ўтказилганда ҳосилдорлик 4-5 центнерга камайганилиги аниқланган. Бунинг устига биринчи теримда ҳам ҳосил олинган. Шунинг учун қатор орасига ишлов беришни бирор кун ҳам кечиктирмай ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш талаб этилади.

Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, ўсимликларни чанқатиб қўйиш ёки керагидан ортиқча сув беришга йўл қўймаслик зарур. Бу тадбирни, июль ойида тупроқнинг меҳаник таркиби, ҳаво ҳарорати, сизот суварининг жойлашиш чўқурлиги ва нав хусусиятларини ҳисобга олиб ўтказиш эртаги ва юқори ҳосил гаровидир.

Булар билан бир қаторда, ҳашарот хавфини бартараф қилиш учун, айниқса, қўсақ қурти ва ўргимчаканчаларнинг тарқалиши ҳамда микдори доимий назоратда бўлиши зарур. Демакки, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш мўл ҳосил олиш қафолатидир.

Ренат НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган кишлоқ ҳўжалик ходими, кишлоқ ҳўжалик фанлари доктори.

(Боши 1-саҳифада)

Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ға А ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, турли идора ва ташкилотлар ахборот хизмати ходимлари иштирок этди.

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРҒИБОТИ

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўтган 21 йилдаги тараққиётимиздаги ўсиш, одамлар онг тафаккуридаги ўзгаришларни ёритиш журналистлардан маҳорат ва фидойилик талаб этишини таъкидлашди.

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриғида ҳам улар зиммасига бир қатор вазифалар қўйилганки, бундай юксак талабларни бажариш ижод аҳлига илҳом бахш этиши, табиий.

Семинар давомида мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, истиқлолнинг 21 йиллигига бағишланган ижод намуналарининг долзарб масалалари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Анвар КУЛМУРОДОВ

Тошкент Вилояти

НОЗ-НЕЪМАТЛАР ИЛА БОЗОР ОБОД

БУНИ КЎРИБ, ДЕҲҚОНУ БОҒБОНГА ТАСАННО ДЕЙСИЗ

Мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган тўб ислохотлар бозорларимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Бугун юртимиздаги деҳқон бозорларига кирган кишининг кўзи қувнайди. Пештахталар сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари билан тўла.

— Аҳолининг кўндалик истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш, ички бозорларни тўлдиришда фермеру соҳибкорларимизнинг меҳнатлари катта, — дейди "Янгийўл тумани

деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Набижон Исанбоев. — Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фаолиятимизда дастуриямал бўлмоқда. Қарор ижросини таъминлаш, аҳолига намуна-



ли савдо хизматини ташкиллаштириш мақсадида бозор ҳудудида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилляпти. Ўтган йили икки қаватли 320 ўринли савдо мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Унда сут ва парранда маҳсулотлари, қуруқ мевалар сотилляпти. Бизнинг бозордан нафақат Янгийўл тумани ва шаҳри, балки Қўйи Чирчиқ, Чиноз, Заңгитота, Оққўрғон туманлари аҳолиси ҳам савдо қилади. Шунинг учун ҳам харидорлар талабини қондириш мақсадида қўшимча савдо шохбчалари, автотурар-жойлар қуриш ва реконструкция ишлари олиб борилляпти.

— Бозоримизда маҳсулот мўллиги ва арзончилигини таъминлаш мақсадида 50 дан ортиқ фермер ҳўжалиги билан шартнома тузганмиз,


— дейди деҳқон бозорининг шартномалар билан ишлаш бўйича ходими Лола Йўлдошева. — Туманимиз ва қўшни туманлардаги "Иномжон Илҳомжон" фермер ҳўжалиги 20 тонна булғор қаламлиғи, 10 тонна помидор, "Ҳакимжон" фермер ҳўжалиги 12 тонна полиз маҳсулотлари, "Мусатилла" фермер ҳўжалиги 3 тонна дон, "Абдурашид нур баракка" фермер ҳўжалиги 10 тонна тарвуз, 3 тонна картошка, "Тансақобод" фермер ҳўжалиги 8,2 тонна мева, "Чорвадор йўли" фермер ҳўжалиги 80 тонна чорва маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузиб, ҳозирда маҳсулотларни пешма-пеш бозорга етказиб беришляпти. Фермерларимиз олиб келган маҳсулотлари учун махсус расталар ташкил этилган. Бозор

қошидаги савдо-харид корхонаси томонидан арзон нархларда 80 миллион сўмликдан ортиқ кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари аҳолига етказиб берилди.

Бозор маъмурияти Тошкент шаҳри аҳолисига арзон ва сифатли кишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб беришда кўчма ярмарка савдоларига ҳам эътибор қаратган. Жумладан, улар пойтахтимизнинг Чилонзор, Яққасарой, Юнусобод ва бошқа қатор туманлари аҳолисига хизмат кўрсатиб келишляпти.

Бозорлардаги тўқинлик ва сөрбалик фермеру деҳқонларимиз, боғбону соҳибкорларимизнинг астойдил қилган меҳнатлари самарасидир.

Аҳмаджон РИХСИБОУЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



▼ ЭЪЛО

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧJНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧИКИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2012 йил 23 июндаги 319-сонли қарорига ва 2012 йил 18 июлдаги 01-32/249-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қуриш учун, Жарқўрғон тумани, Какайди қўрғони, М.Улугбек номи маҳаллада жойлашган 1 дона, 2500 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 494 947 сўм.

2. Маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қуриш учун, Жарқўрғон тумани маркази, М.Улугбек номи маҳаллада жойлашган 1 дона, 1750 кв.м. Ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 045 938 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жарқўрғон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 30 декабрда бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 24 август кунин соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатлати закатлати келишу-вида асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жарқўрғон тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 27 август кунин соат 11.00 да очилади, 2012 йил 27 август кунин соат

16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридagi ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 27 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йил 12 сентябрь ва 27 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтшини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 11 сентябрь ва 26 сентябрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жарқўрғон тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 12 сентябрь ва 27 сентябрь кунлари соат 11.00 да очилади, 2012 йил 12 сентябрь ва 27 сентябрь кунлари соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'shmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти фи-

лиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Ҳўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси. Тел/факс: (8-376) 227-57-94, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам олий иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашини учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (яқка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танлов-

да ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: ХОАББ "Траст банк" Термиз шаҳар филиали, ҳ/р: 2020800004920609027, МФО 01063, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Ҳўжаев кўчаси 32-уй, "Тадбиркорлар маркази" биноси.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz

«Ko'shmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти қўшма мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риелторлик хизматлари кўрсатилиши қафолатланади.

